

**ДАСТЛАБКИ ТЕРГОВ ЖАРАЁНИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА ТЕРГОВДАГИ ТИЗИМЛИ
КАМЧИЛИКЛАРГА БАРҲАМ БЕРИШ ЗАРУРИЯТИ**

Миразимов Хусан Бурибоевич

Судьялар Олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби Жиноят ҳукуқи
ихтисослиги тингловчиси

Аннотация: Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексида дастлабки тергов жараёнида учрайдиган тизимли камчиликлар, тергов жараёнини амалга оширишдаги мавжуд муаммолар, уларнинг сабаблари ва оқибатлари, шунингдек, ривожланган хорижий давлатларнинг жиноят-процессуал қонунчилигида учрайдиган камчиликларнинг ўзига хос жиҳатлари таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: жиноят-процессуал кодекс, дастлабки тергов, тизимли камчиликлар, терговчи хатолари, терговни такомиллаштириш, қонун устуворлиги.

**НЕОБХОДИМОСТЬ УСТРАНЕНИЯ СИСТЕМАТИЧЕСКИХ
ДЕФЕКТОВ В РАССЛЕДОВАНИИ ДЛЯ УЛУЧШЕНИЯ
ПЕРВОНАЧАЛЬНОГО ПРОЦЕССА РАССЛЕДОВАНИЯ**

Миразимов Хусан Бурибоевич

студент специальности «Уголовное право» Высшей школы судей при Верховном
Совете судей.

Аннотация: в Уголовно-процессуальном кодексе Республики Узбекистан рассматриваются системные недостатки в процессе предварительного расследования, имеющиеся проблемы в осуществлении следственного процесса, их причины и последствия, а также практика развитых зарубежных стран. Анализируются отдельные аспекты недостатков уголовно-процессуального законодательства.

Ключевые слова: уголовно-процессуальный кодекс, предварительное расследование, систематические недостатки, ошибки следователя, совершенствование расследования, верховенство закона.

**THE NEED TO ELIMINATE SYSTEMIC DEFICIENCIES IN THE
INVESTIGATION IN IMPROVING THE PRELIMINARY
INVESTIGATION PROCESS**

Mirazimov Husan Buriboevich

student of the Criminal Law Department of the Higher School of Judges under the
Supreme Council of Judges

Abstract: the article analyzes the systemic shortcomings of the preliminary investigation process in the Criminal Procedure Code of the Republic of Uzbekistan, the existing problems in the implementation of the investigative process, their causes and consequences, as well as the specific aspects of the shortcomings in the criminal procedural legislation of developed foreign countries.

Keywords: criminal procedure code, preliminary investigation, systemic shortcomings, investigatory errors, improvement of the investigation, rule of law.

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислохотлари кенг миқёсда амалга оширилмоқда. Бундай шароитда дастлабки тергов жараёнининг самарадорлиги ва адолатли юритилиши муҳим аҳамият касб этади. Аммо амалиётда бу босқичда тизимли камчиликлар мавжудлиги, улар жиноят ишлари терговининг ҳаққонийлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатаётгани аниқланмоқда.

Дастлабки терговдаги асосий тизимли камчиликлар сифатида терговчи фаолиятидаги юқори юклама, процессуал қонун нормаларини ноаниқ талқин қилиш, кадрлар тайёргарлигидаги муаммолар, техник таъминланишдаги етишмовчиликлар ва назорат органлари фаолиятидаги самарасизликларни кўрсатиш мумкин.

Мазкур муаммоларни бартараф этиш мақсадида, тергов органлари ишини рақамлаштириш, яъни жинойт ишларини автоматлаштирилган тақсимлаш тизимини жорий этиш орқали манфаатлар тўқнашувини камайтириш мумкин. Шунингдек, терговчилар учун узлуксиз малака ошириш дастурларини амалга ошириш, жумладан хорижий тажриба асосида ишлаш механизмларини жорий этиш муҳим саналади.

Масалан, Германия, Франция, Япония каби ривожланган мамлакатларда тергов фаолиятида мутахассислашув юқори даражада ташкил этилган. Бунда терговчилар фақат белгиланган турдаги жинойтлар бўйича иш юритади ва назорат-мониторинг тизими мустақил органлар орқали амалга оширилади. Бу эса коррупция, камчилик ва адолатсиз қарорлар эҳтимолини камайтиради.

Миллий амалиётимизда ҳам мазкур тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда, ҳуқуқий асослар ва амалиётни такомиллаштириш, кадрларни адолатли танлаш, фаолият натижадорлигини баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш талаб этилади.

Дастлабки тергов жараёнида тизимли камчиликлар нафақат жинойт ишларининг ҳал этилишига, балки фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳам жиддий таъсир кўрсатади. Шу боисдан, бу борадаги ҳар қандай ислохот кенг жамоатчиликнинг ишончини мустаҳкамлашга хизмат қилиши лозим.

Бундан ташқари, тергов жараёнида инсон ҳуқуқлари ва адолат тамойилларини таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини кучайтириш зарур. Бунинг учун айбловга нисбатан далиллар тўплашда холислик ва шаффофлик, ҳимоя ҳуқуқининг амалий кафолатлари, адвокат иштирокининг тўлиқ таъминланиши устувор вазифа сифатида белгиланиши керак.

Шунингдек, дастлабки терговда иштирок этувчи субъектлар ўртасида самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, жиноят-процессуал муносабатларда очиклик ва ҳисобдорликни таъминлаш орқали тизим самарадорлигини ошириш мумкин. Мазкур вазифаларни амалга оширишда давлат органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВ ўртасидаги мулоқот ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Қонун устуворлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини тубдан ислоҳ қилиш бўйича қабул қилинган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 14 январдаги ПФ–6155-сон Фармонида тергов жараёнларини такомиллаштириш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга доир чора-тадбирлар белгилаб берилган.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодексига киритилган сўнгги ўзгартиш ва қўшимчалар айбловни исботлаш мажбуриятининг фақат айбловчи томонга юклатилиши, судгача иш юритув жараёнида айбланувчининг ҳуқуқлари кафолатланишини таъминлашга қаратилган. Бу ўзгаришлар халқаро стандартларга мос равишда амалга оширилаётганини кўрсатади.

Хорижий давлатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, дастлабки тергов жараёнидаги тизимли муаммоларни ҳал қилиш фақатгина норматив ўзгаришлар билан чекланиб қолмайди. Яъни амалий татбиқ, ижро интизоми, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш ва жамоатчилик назоратини кенгайтириш ҳам зарур омиллар сирасига киради.

Шу асосда хулоса қилиш мумкинки, тергов жараёнини такомиллаштириш нафақат ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг самарали ишлаши, балки умумий ҳуқуқий маданият, фуқароларнинг давлатга ишончи ва адолат принципларини таъминлашга бевосита боғлиқдир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг [Конституцияси](https://lex.uz/uz/docs/6445145). Қонунчилик маълумотлари миллий базаси, 01.05.2023 й., 03/23/837/0241-сон// <https://lex.uz/uz/docs/6445145>.

2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. (911 — 914-моддалар Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 23 майдаги ЎРҚ-542-сонли Қонунига асосан киритилган — Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 24.05.2019 й., 03/19/542/3177-сон).

3. Судьялар одоби кодекси. Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгашининг 2024 йил 15 майдаги 1903-сон қарори билан тасдиқланган.

4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2024. –Тошкент: Адолат.

5. Уголовно-процессуальный кодекс Российской Федерации. - М: Объединенная редакция МВД России, 2002. -288 с.